**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХОРАЗМ**
**ВИЛОЯТИ**
**ҲОКИМИ**
**ФАРМОЙИШИ**

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**XORAZM**
**VILOYATI**
**HOKIMI**
**FARMOYISHI**

« I6 » январь 201 6 yil — **Урганч ш.**

№ 7ф

Нусха №

Вилоятда 2016 йил ҳосили учун дала ишларида қатнашадиган барча турдаги техникаларни, ғалла ўриш комбайнларини сифатли таъмирлаш ҳамда уларни мавсумга тайёрлаш мақсадида:

1. Вилоятда баҳорги дала ишларида қатнашадиган барча турдаги техникаларни ва ғалла ўриш комбайнларининг тайёргарлигини қабул қилиш бўйича вилоят комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туманларда ҳам шундай туманлар комиссиялари ташкил қилинсин.

2. Туманлар ҳокимлари «Хоразм вилояти машина трактор парклари бирлашмаси" ОАЖ (Отахонов), вилоят Давлат техника назорати инспекцияси (Устаназаров), вилоят ички ишлар бошқармаси (Джураев), вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Рахимов) ва вилоят фермерлар Кенгаши (Сапаев) билан биргаликда мулкчилик шаклидан қатъий назар:

- баҳорги дала ишларида қатнашадиган барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини 2016 йилнинг 1 февралигача;

- чопиқ ва транспорт тракторларини, ғалла ўриш комбайнларини 2016 йилнинг 1 мартигача таъмирлаш ишларини сифатли якунланишини таъминласин.

Барча турдаги техникаларни тўлиқ, белгиланган муддатда таъмирлаб вилоят комиссиясига топширилишига туманлар ҳокимлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят комиссияси (Ў.Машарипов)га барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга тайёргарлигини белгиланган тартибда синов майдончаларида қабул қилиш ва уларни мавсум ишларида қатнашишлари учун махсус рухсатномалар берилишини таъминлансин.

4. Вилоят Давлат техника назорати инспекцияси (Устаназаров) синовдан ўтмаган, рухсатномаси бўлмаган техникалардан мавсумда фойдаланиш қатъиян тақиқлансин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ў.Машарипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **П. Бобожонов**

**Вилоят ҳокимининг**
**"I6" январь 2016 йил**
**7ф сонли фармойишига**
**илова**

**Вилоятда баҳорги дала ишларида қатнашадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва ғалла ўриш комбайнларининг мавсумга тайёргарлигини қабул қилиш бўйича вилоят комиссияси**

**Т А Р К И Б И**

| № | Ф.И.Ш. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1 | Ў. Машарипов | Вилоят хокимининг ўринбосари, **комиссия раиси** |
| 2 | М. Устаназаров | Вилоят Давлат техника назорати инспекцияси бошлиғи, **комиссия раиси ўринбосари** |
| | **Аъзолари** | |
| 3 | Ж. Рахимов | Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи |
| 4 | Қ. Сапаев | Вилоят фермерлар Кенгаши раиси |
| 5 | Р. Юнусметов | Вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи |
| 6 | Р. Ишниязов | Вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи |
| 7 | Ҳ. Отахонов | «Хоразм вилояти машина трактор парклари бирлашмаси» ОАЖ раиси в.б |
| 8 | Х. Абдуллаев | «Хоразмавтотеххизмат» ОАЖ раиси в.б |